

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ГЕНДЕР МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Турсунова Г.Х.

Perfect-university катта ўқитувчиси

+998 90 826 29 79

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18677992>

Аннотация

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида миллий маданиятлар, анъаналар ва оилавий қадриятларнинг ўзгариши таҳлил қилинган. Муаллиф Ғарб техноген цивилизацияси таъсирида юзага келаётган маънавий инқироз, «глобал фуқаро» шаклланиши ва миллий ўзликнинг йўқолиш хавфи каби долзарб муаммоларни ёритиб беради.

Калит сўзлар: глобаллашув, миллий маданият, қадриятлар инқирози, глобал фуқаро, оила, анъаналар, техноген цивилизация, миллий ўзлик.

Аннотация

В данной статье анализируются изменения национальных культур, традиций и семейных ценностей в процессе глобализации. Автор освещает актуальные проблемы, такие как духовный кризис под влиянием созданной человеком западной цивилизации, формирование «глобальных граждан» и опасность утраты национальной идентичности.

Ключевые слова: глобализация, национальная культура, кризис ценностей, глобальный гражданин, семья, традиции, рукотворная цивилизация, национальная идентичность.

Abstract

This article analyzes the change of national cultures, traditions and family values in the process of globalization. The author sheds light on current issues such as the spiritual crisis under the influence of Western man-made civilization, the formation of a "global citizen" and the danger of the loss of national identity.

Key words: globalization, national culture, crisis of values, global citizen, family, traditions, man-made civilization, national identity.

Глобаллашув туфайли инсоният фаолиятида, унинг турмуш тарзида ва авваллари турли-туман бўлган унинг маданиятида янги, жаҳон стандартлари пайдо бўлди. «Замонавий инсоният миллатидан қатъий назар болалигидан бир ҳил ўқувчилар телевидион дастурларини, ўсмирлик ва ёшлик даврида бир ҳил мусиқий клипларни, ўрта ёшда эса бир ҳил сериалларни томоша қилади. Одамлар бир ҳил янгиликларни ўхшаш шарҳлар билан тинглайдилар, кийим- кечакда бир ҳил урфга амал қилиб кийинадилар, бир ҳил фаст-фудлар билан овқатланадилар, бир ҳил тилда гапиришга ҳаракат қиладилар, бир ҳил жихозланган офисларда ишлайдилар. Бунинг оқибатида янги туркум «глобал фуқаро» яъни қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари бир ҳил одамлар пайдо бўлиши мумкин. Маълумотларга кўра ХХI асрга келиб 6 мингта тил истеъмолдан чиқиб кетади»[1]. Инсоният маданиятининг хилма-хиллиги, унинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, миллий ахлоқий тамойиллари йўқолиш арафасида турибди. Жамиятининг бош бўғини бўлган оиланинг асоси, демакки

жамиятнинг асоси юқоридаги кадриятларга таянади ва шулар туфайли яшайди. Ҳозирда ҳар биримиз буларнинг бир қисмини йўқолганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ватанимизнинг мустақилликка эришуви бутун инсоният ҳаётида беҳад мураккаб муаммолар кўндаланг бўлган ва туб бурилишлар бошланган жуда қийин даврга тўғри келди. Тарихнинг кенгроқ вақт ўлчамида қаралса, бу аслида XX аср аввалида бошланган тарихда мисли кўрилмаган сиёсий тўнтаришлар, алғов-далғовлар, хаддан зиёд тезкор илмий ва технологик олға силжишлар, табиатга қарши аёвсиз “хужум”нинг жадаллашуви, демографик портлаш каби улкан ва кенг миқёсли ўзгаришларнинг таркибий қисмларидан бири бўлди. Индивидуал тасаввурга кўра атиги юз йил олдин бу ўзгаришларнинг кўпи табиий ва прогрессив деб ҳисобланган, мураккаблиги ва салбий томонлари кўпчиликка кўринмаган, кўринганида ҳам инсониятнинг кўпчилик қисми наздида бу ҳол уларнинг шахсий ҳаётидан ташқарида, қаердадир бошқа ёқларда, уларга боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятлар туфайли содир бўлётгандай эди.

Эндиликда чуқур объектив таҳлил ва воқеалар ривожини ҳозирги цивилизация ялпи кризисининг асл сабабчиси Ғарб техноген цивилизацияси эканини кўрсатмоқда. Бу “кризис кўп асрлик бу маданият барҳам топганини, бу жамият ўзининг ижодий имкониятларини йўқотгани” [2] ни кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маданият асосига кўйилган кадриятлар кризисга учраганини билдиради. XX асрнинг 70 йилларида шакланган неолиберализм концепцияси кризисга учраган шу цивилизациянинг умрини сақлашга бўлган сўнгги уриниши бўлиб, унинг “жон талвасалари” бутун дунёни ларзага солмоқда.

Бу, илгари қайд этганимиздай, неолибералча фундаментализм сиёсатининг миллатлар ва миллий маданиятлар статусини ўзгартириш орқали дунёда янги тартибот ўрнатишга бўлган уринишларида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги давр сиёсатчилари таҳлилидан чиқаётган хулосага кўра, ўрнатилмоқчи бўлинаётган бу янги тартиб аслида глобал молиявий ўйинчиларнинг (аниқроғи, қиморбозларнинг) жаҳондаги бутун бойликни қўлга киритиш йўлидаги яширин интилишларини ифодалайди.

Бунда глобаллашув энг қулай восита бўлиб хизмат қилади. Чунки глобаллашувда “менинг миллатим”, “менинг халқим”, “менинг мамлакатим”, “менинг ватаним” деган тушунчаларга ўрин қолмаслиги табиий. Уларнинг ўрнига “янги давр кўчманчилари”(босқинчилари) ва “бутун дунё маҳаллийлари (омма)” деган тушунчалар келади. Чунки, зўр бериб фақат ўз манфаатини кўзловчиларга “инсонларни халқ қиладиган, ҳуқуқ ва бурчлар кишиларни жамият қилиб бирлаштирадиган, мамлакатларни миллий давлатлар сифатида шакллантирган аввалги дунёвий тартибот керак эмас. “Монетаристик фалсафанинг бу типи, деб ёзади, бу ҳақида, масалан, С. Батчиков, - очик – суверенитети ва чегаралари ҳимояланмаган дунёда жаҳон молиявий пирамидаларини қураётганлар бугунги кунда нималар қиладиганини жуда яхши оқлаб беради.” [3]

Қолаверса, иқтисодиёт олимларининг таҳлиллари ҳам етакчи мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти кўпдан буён ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида эмас, балки бойликларнинг кучсиз мамлакатлардан кучли мамлакатларга ўтиши натижасида содир бўлаётганини кўрсатмоқда. Бунга кучли мамлакатлар миллий давлатларни кучсизлантириш (уларга узоқ муддатли қарз бериб, аслида иқтисодий

тузоққа тушириш), миллий ва табиий ресурсларни сотиб олиш ва хусусийлаштириш орқали эришмоқдалар.[4]

Бу жараён аҳолининг онгини алдаб қўядиган оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилади. Яъни, унга жаҳон иқтисодиётининг чиройли "пештахталари" (витриналари) кўз-кўз қилинади, метрополиялардаги гуллаб яшнаётган ҳаёт намойиш этилади, лекин уларнинг бойликлари қандай олиб чиқиб кетилаётгани кўрсатилмайди, албатта. Бунда халқаро молиявий ташкилотлар (корпорациялар) миллий давлатларга босим ўтказиб, уларни глобаллашув воситасига айлантиришга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида давлат халқ ижтимоий эҳтиёжларига, фан ва маданият тараққиётига сарфланадиган чиқимларни қисқартириши керак бўлади ва ҳ.к. Охир оқибатда, турли молиявий ўйинлар қилиб, мамлакатни кризисга дучор қилади ва унинг корхоналарини арзон гаровга сотиб олади.

References:

1. Рузикулова, М. Ю. Глобаллашув даврда фан ва таълимнинг долзарб масалалари / М. Ю. Рузикулова, З. Т. Рауфжонова. - Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2017. - № 4.2 (138.2). - С. 44-47.: Howard M. America and the World. St. Louis: Washington University. The Annual Lewin Lecture, 5 April 1984. P. 6.
2. Дудник С.И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001. 132-б.
3. Батчиков С. Глобализация: управляемый хаос. // <http://www.apn.ru/publications/article19369.htm>.
4. Қаранг: Перкинс Д. «Исповедь экономического убийцы», М., «Претекст», 2007